

**КАРМАНА ТУМАНЛАРАРО ИҚТИСОДИЙ СУДИНИНГ
ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН**

Навоий шаҳри

XXXX йил

Кармана туманлараро иқтисодий суди судьяси Б.Джумаев, XXXX даъвогар АААА манфаатини кўзлаб, жавобгар ВВВВдан асосий қарз ва пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризасини соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

XXXX даъвогар АААА манфаатини кўзлаб, жавобгар ВВВВдан ММММ сўм асосий қарз ундиришни сўраган.

Жавобгар томонидан даъво аризаси нусхаси олингандан сўнг судга эътирознома тақдим этилмаган.

Суд, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъвони қисман қаноатлантиришни, суд харажатларини жавобгарнинг зиммасига юклашни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, тарафлар ўртасида юридик шахслар учун электр энергияси таъминоти тўғрисида шартнома тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (бундан буён матнда - ФК деб юритилади) 468-моддасига кўра, энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Шартномага кўра, даъвогар уланган электр тармоқлари орқали электр энергияси етказиб бериш мажбуриятини, жавобгар эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Шартномага мувофиқ даъвогар томонидан етказиб берилган электр энергияси жавобгар томонидан эътирозсиз қабул қилиб олинган бўлса-да, шартнома шартларига мувофиқ ММММ сўмлик тўлов тўлиқ амалга оширилмасдан муддати ўтган қарздорликка йўл қўйилган.

ФКнинг 234-моддасига кўра, мажбурият — фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса — қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига



эга бўлади. Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

ФКнинг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Шунга кўра, суд ММММ сўм асосий қарздорликни ундириш талабини қаноатлантиришни лозим деб топади.

ИПКнинг 118-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Шунга кўра, суд ишни кўриш билан боғлиқ бўлган суд харажатларини жавобгарнинг зиммасига юклашни, жавобгардан республика бюджетига ММММ сўм давлат божи ва жавобгардан даъвогар фойдасига ММММ сўм почта харажатларини ундиришни лозим топди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Даъво талаби қаноатлантирилсин.

Жавобгар ВВВВВдан даъвогар фойдасига ММММ сўм асосий қарз, олдиндан тўланган 30.000 сўм почта харажати ундирилсин.

Жавобгар ХХХХ масъулияти чекланган жамиятидан республика бюджетига ММММ сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф Навоий вилоят судига белгиланган тартибда апелляция шикоятни бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Судья

Б.Джумаев

